



**ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИДА ШИЛЛИҚ
ҚАВАТЛАР ЭПИТЕЛИЙСИДА КЕЧАДИГАН ПАТОМОРФОЛОГИК
ЎЗГАРИШЛАР.**



Илмий раҳбар: Абдираимов А.А.

**Европа тиббиёт университети “Тиббий биологик фанлар” кафедраси
катта ўқитувчиси.т.ф.н.**

Асадуллаева Азиза

**Европа тиббиёт университети стоматология факультети 3-курс
талабаси.**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20401725>

Аннотация: Ушбу мақолада оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг турли патологияларида терининг эпидермис қисмида жойлашган кератиноцит хужайраларида юз берадиган патоморфологик ўзгаришлар таҳлил қилинган. Тадқиқот учун гистологик препаратлар ва эпидермиснинг ультрамикроскопик тасвирларидан фойдаланилган. Тадқиқот натижаларига кўра, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларида эпидермисда асосан уч хил патологик жараён: мугузланиш жараёнининг бузилиши (гиперкератоз, паракератоз, дискератоз), экссудатив ўзгаришлар (вакуоль дистрофия, спонгиоз, баллонловчи дистрофия, акантолиз) ва гипертрофия (акантоз) кузатилади. Бу жараёнлар, хусусан гипертрофия, ўсма касалликлари ривожланиши учун шароит яратиши

Contact: 99 826 99 56



мумкинлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: оғиз бўшлиғи шиллик қавати, эпидермис, кератиноцитлар, патоморфологик ўзгаришлар, альтерация, гиперкератоз, паракератоз, дискератоз, вакуоль дистрофия, акантоз.

Патоморфологические изменения в эпителии слизистых оболочек при заболеваниях слизистой оболочки полости рта

Аннотация: В данной статье анализируются патоморфологические изменения, происходящие в кератиноцитах эпидермиса кожи при различных патологиях слизистой оболочки полости рта. В качестве материалов для исследования использовались гистологические препараты и ультрамикроскопические изображения эпидермиса. По результатам исследования установлено, что при заболеваниях слизистой оболочки полости рта в эпидермисе в основном наблюдаются три типа патологических процессов: нарушение процессов ороговения (гиперкератоз, паракератоз, дискератоз), экссудативные изменения (вакуольная дистрофия, спонгиоз, баллонизирующая дистрофия, акантолиз) и гипертрофия (акантоз). Отмечается, что данные процессы, в частности гипертрофия, могут создавать условия для развития опухолевых заболеваний.

Ключевые слова: слизистая оболочка полости рта, эпидермис, кератиноциты, патоморфологические изменения, альтерация, гиперкератоз, паракератоз, дискератоз, вакуольная дистрофия, акантоз.

Pathomorphological Changes in the Epithelium of Mucous Membranes in Diseases of the Oral Mucosa

Abstract: This article analyzes the pathomorphological changes that occur in the keratinocytes of the epidermis in various pathologies of the oral mucosa.





Histological preparations and ultramicroscopic images of the epidermis were used as research materials. The study results indicate that in diseases of the oral mucosa, three main types of pathological processes are observed in the epidermis: disorders of keratinization processes (hyperkeratosis, parakeratosis, dyskeratosis), exudative changes (vacuolar dystrophy, spongiosis, ballooning dystrophy, acantholysis), and hypertrophy (acanthosis). It is emphasized that these processes, particularly hypertrophy, can create conditions for the development of tumor diseases.

Keywords: oral mucosa, epidermis, keratinocytes, pathomorphological changes, alteration, hyperkeratosis, parakeratosis, dyskeratosis, vacuolar dystrophy, acanthosis.

Тадқиқот мақсади. Терининг эпидермис қисми қаватларида жойлашган кератиноцит ҳужайраларида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг турли хил патологияларида юз берадиган патоморфологик ўзгаришларни таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш.

Тадқиқот материали ва усуллари. Тадқиқот материаллари сифатида тери қаватларининг ёруғлик микроскопи учун тайёрланган гистологик препаратлар ва эпидермиснинг ультрамикроскопик тасвирларидан фойдаланилди. Назарий қисми учун дарслик ва чет эл адабиётларидан фойланилди.

Терининг эпидермиси 5 қаватдан иборат . Базаль қават, энг чуқур қавати бўлиб у “ўзак қавати” деб ҳам аталади. Иккинчи қавати “тиконсимон” қават, учинчи қавати эса “донадор “қават деб аталса, тўртинчиси”ялтироқ” ва ниҳоят энг устки қавати “мугуз”қавати ёки “шоҳ” қавати деб аталади. Кератиноцитлар қаватдан қаватга кўтарилиб борган сайин ўз шаклини ўзгартириб бориш ва охир-оқибатда шохланиш ва тушиб кетиш хусусиятга эга. Уларнинг фаолияти асосан ҳимоя вазифасига қаратилган. Бу вазифани аъло даражада амалга оширишлари учун кератиноцит ҳужайралари ҳаёти давомида





доимо ишлаб чиқарадиган кератин моддасининг роли жуда муҳим ҳисобланади. Кератиноцитлар бир- бирини ушлаб туриш учун зарур бўлган (клеисимон модда) цемент ишлаб чиқаради.

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватларининг кўпгина касалликларида эпидермисда бир қанча патоморфологик ўзгаришлар содир бўлади. Шамоллаш процессларининг 3-хил кўриниши мавжуд бўлиб, улар альтерация, экссудация ва пролиферация кўринишида кечади. Бу процесслар кечиши жиҳатидан ўткир ва сурункали характерга эга бўлиши мумкин. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватларининг ҳар хил патологияларида эпидермисда кўпроқ альтератив шамоллаш элементларини кузатиш мумкин. Буларга эпителийдаги хужайралардаги некротик ва дистрофик ўзгаришлар ҳамда шишлар киради.

Альтератив шамоллаш формаси эпидермисда қуйидаги ўзгаришларга: мугузланиш жараёнларининг бузилиши, экссудатив ўзгаришларга ва гипертрофияга олиб келади.

Мугузланиш жараёнларининг бузилишига гиперкератоз, паракератоз ва дискератоз жараёнлари кирса, экссудатив ўзгаришларга вакуоль дистрофия, спонгиоз, баллонловчи дистрофия ва акантолиз жараёнлари киради.

Гипертрофик жараёнлар эса шиллиқ қаватлар эпителийсининг қалинллашишида номоён бўлади. Қалинллашиш эса акантоз ҳодисаси билан боғлиқ. Акантоз – бу эпителийнинг ортиқча пролиферацияси натижасида сўргиччалар оралиғига ботиб кириши ҳодисасидир.

Хулоса: Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларида альтератив шамоллаш процессларида эпидермисда асосан 3-хил патологик жараёнларни: мугузланиш жараёнларининг бузилиши, экссудатив ўзгаришлар ва гипертрофия процессларини кузатиш мумкин. Гипертрофия жараёни эса ўсма касалликлари келиб чиқиши учун шароит яратади. Ўсма касалликларда манба вазифасини эпидермиснинг базаль қавати бажариши тасдиқланган. Бу



жараёнларда асосий морфологик ўзгаришлар хужайралар полиморфизми, атипизм, дископлектация ходисаларида ҳамда митоз сонининг кўпайишида кўринади.

REFERENCES:

1. Афанасьев Ю. И., Юрина Н. А. Гистология, эмбриология, цитология: учебник. – 6-е изд., перераб. и доп. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2012. – 800 с.
2. Боровский Е. В., Машкиллейсон А. Л. Заболевания слизистой оболочки полости рта и губ. – М.: МЕДпресс-информ, 2001. – 320 с.
3. Махкамов Э. Э. Терапевтик стоматология. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари: ўқув қўлланма. – Тошкент: Ибн Сино номидаги НМИУ, 2010. – 240 б.
4. Рабинович О. Ф., Эпельдимова Е. Л. Патоморфология и диагностика предраковых заболеваний слизистой оболочки полости рта // Клиническая стоматология. – 2016. – № 1. – С. 22-26.
5. Ризаев Ж. А., Бекжанова О. Е. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликларини эрта ташхислашда морфологик текширувларнинг аҳамияти // Stomatologiya. – 2020. – № 3. – Б. 56-60.
6. Струков А. И., Серов В. В. Патологическая анатомия: учебник. – 6-е изд. – М.: Литтерра, 2015. – 880 с.
7. Цветкова Л. А., Арутюнов С. Д., Петров И. В. Патоморфологические особенности гиперкератоза слизистой оболочки полости рта // Стоматология. – 2018. – Т. 97, № 2. – С. 45-49.
8. Kumar V., Abbas A. K., Aster J. C. Robbins and Cotran Pathologic Basis of Disease. – 9th ed. – Philadelphia: Elsevier Saunders, 2014. – 1391 p.
9. Neville B. W., Damm D. D., Allen C. M., Chi A. C. Oral and Maxillofacial Pathology. – 4th ed. – St. Louis: Elsevier, 2015. – 928 p.





SCIENTIFIC CONFERENCE OPEN PROCEEDINGS

Global Academic Knowledge Repository



10. Scully C., Porter S. Oral mucosal disease: hyperkeratosis and leukoplakia
// British Journal of Oral and Maxillofacial Surgery. – 2000. – Vol. 38, № 4. – P.
341-350.

Contact: 99 826 99 56

